



ЎзХДП: устувор вазифалар

Масъул раҳбарлар ҳисоботини тинглаш

асосида электорат манфаатларига хизмат қиладиган қарорлар қабул этилишига эришиш зарур

... Халқ депутатлари Сирдарё вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларида ЎзХДПнинг 158 нафар депутати фаолият кўрсатмоқда
... 2013 йилда партия гуруҳлари 7 масалани сессиялар муҳокамасига киритган
... Партия гуруҳлари аъзолари томонидан ўтган йили турли ижтимоий-иқтисодий масалалар юзасидан 587 марта депутатлик сўрови юборилган

ЎзХДП Сирдарё вилоят кенгашида электорат билан боғлиқ бирор бир масалани таҳлил этиш, у ҳақда жамоатчилик фикрини ўрганишда янги сиёсий технологиялардан фойдаланишда. Бунда ўрганилаётган муаммо ёки масала юзасидан, энг аввало, ёшлар муносабати, таклифи сўралади. Бунинг учун уларга вақт берилади, шароит яратилади.
ЎзХДП Сирдарё вилоят кенгаши Ижроия Қўмитасининг кенгайтирилган йиғилишига тайёргарлик кўриш давомида Марказий Кенгаш ташаббуси билан депутатлар, партия фаоллари ҳамда ёшлар иштирокида Гулистон, Ширин шаҳарлари ҳамда Боёвут туман кенгашларида амалга оширилаётган ишлар, электорат манфаатларини таъминлаш, ижтимоий-иқтисодий ривожланиш дастурларининг бажарилишида партия гуруҳларининг фаоллиги масаласи мониторинг қилинди.
Йиғилишда ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришда ижро ҳоқимияти ва партия гуруҳлари ўртасидаги ҳамкорликни кучайтириш, ижтимоий ҳимоя, касб-хунар коллежлари битирувчилари бандлигини таъминлашда ижтимоий шериклик асосида тизимли иш олиб бориш масалалари муҳокама этилди.



Фароҳ АЛИЕВ олган суратлар.

“
Партия гуруҳлари тегишли ҳудудда жойлашган давлат органи раҳбарининг ўз фаолияти юзасидан ҳисоботи ёки ахборотини Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесининг, халқ депутатлари Кенгашларининг сессияларида эшитиш ҳақида таклифлар киритади.

Давоми 2-бетда.

Ижтимоий ҳимоя

Юртимизда кексаларга кўрсатилаётган ғам-хўрлик, уларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш ва жамият ҳаётидаги фаоллигини ошириш бўйича олиб борилаётган ишларда «Нуроний» жамоат фонднинг ҳам ўз ўрни бор. Яқинда мазкур фонд Самарқанд вилоят бўлимининг 2013 йилдаги фаолияти якунлари ва жорий йил вазифаларига бағишланган кенгайтирилган йиғилиши бўлиб ўтди.

БУГУНГИ КУНЛАР ШУКРОНАСИ

Тадбирда фонднинг шаҳар ва туман бўлимлари раислари, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари иштирок этди.
«Нуроний» жамоат фонди Самарқанд вилоят бўлими раиси, халқ депутатлари вилоят Кенгашидаги ЎзХДП партия гуруҳи аъзоси, «Эл-юрт хурмати» ордени соҳиби Ҳасан Нормуродов 2013 йилда амалга оширилган ишлар тўғрисида ахборот берди.
Таъкидландики, айни пайтда шаҳар ва туманларда 205 мингдан зиёд нуроний, шу жумладан, 427 нафар Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси ва ногирони истикомат қилмоқда. Уларнинг 142 нафарини 100 ёшга тўлган фахрий ташкил қилади. Ўтган йил мобайнида 2785 нафар кекса шифохоналарда саноатлигини тиклаган бўлса, яна 3117 нафари сиҳаттоҳ ва дам олиш масканларида бўлишди.
Шунингдек, ўзгалар парваришига муҳтож кексаларга жамоат фонди томонидан 167 та ногиронлар аравачаси, 643 та протез-ортопедия мосламалари, 238 та ҳасса ва кўлтиқтаёқ тарқатилди. Яқка-ёғилзи пенсионерлардан 50 нафарининг уй-жойлари таъмирланди. Етти мингдан зиёд нуронийларнинг юртимиздаги муқаддас қадимжо ва тарихий обидаларга саёҳатлари уюштирилди.
Бундай эътибор ва ғамхўрликка жавобан фахрийлар ҳам вилоятнинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётида фаол иштирок этишга интиломоқда. Жумладан, жамоат фонди вилоят бўлими қошида фаолият кўрсатаётган «Фахрий аёллар» ва «Ёшлар билан ишлаш» гуруҳлари маҳаллалар, ўқув юртлари, қорхона ва ташкилотларда долзарб масалалар юзасидан тарғибот тадбирларини ўтказиб келмоқда.
Анжуман давомида фонд фаолиятини янада кенгайтириш юзасидан таклиф ва тавсиялар билдирилди.
Йиғилишда вилоят ҳоқими, Олий Мажлис Сенати аъзоси Зойир Мирзаев иштирок этди.

Шоҳбоз САИДОВ,
ЎЗМУ талабаси.

Қонун лойиҳасига шарҳ

Масофадан туриб судда иштирок этиш

томонлар учун вақт ва маблағни тежаш имкониятини беради



Алишер ТИЛЛАБОВЕВ,

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎзХДП фракцияси аъзоси:

— Шу кунларда Олий Мажлис Қонунчилик палатасида «Ўзбекистон Республикасининг Хўжалик процессуал кодексига қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳаси кўриб чиқилмоқда.
Мазкур қонун лойиҳаси хўжалик судларида иш юритишни тақомиллаштириш, суд ҳимоясига бўлган ҳуқуқни янада кенгроқ таъминлаш, хўжалик юритувчи субъектларнинг вақтини ва маблағини тежашга, судлар фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этишга хизмат қиладди.
Булар партияимиз дастурида фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини идорқ этиши, уларни суд орқали ҳимоя қилиши кўникмаларини мустаҳкамлаш, бу борадаги тизимни тақомиллаштириш бўйича белги-

ланган вазифалар амалга ошишига ижобий таъсир этиши билан аҳамиятлидир. Шунинг учун фракцияимиз мазкур қонун лойиҳасини қўллаб-қувватламоқда.
Гап шундаки, амалдаги хўжалик процессуал қонун ҳужжатларида видеоконференция усулида суд мажлисини ўтказиш назарда тутилмаган. Хўжалик процессуал кодексига кўра, ишларни кўриш тегишли суднинг биносидан ўтказилади. Бундай тартиб иш кўрилаётган суддан бошқа ҳудудда жойлашган тарафлар учун, иш кассация инстанцияси (Олий хўжалик суди)да кўрилаётганда эса иккала тарафдан ҳам анча вақт ва маблағ талаб этади.
Ҳисоб-китобларга кўра, мисол учун, агар низо бўйича бир тараф Фарғона вилоятида, иккинчи

тараф эса Қорақалпоғистон Республикасида жойлашган бўлса, Нукус ёки Фарғона шаҳрига суд мажлисига бориб келиш харажатлари ўртача 1,5 миллион сўмни ташкил этади. Бунга оқватлиниш ва бошқа зарур харажатлар қўшилган бўлса, харажатлар миқдори янада кўпаяди.

Қонун лойиҳасида вақт ва маблағни тежаш мақсадида шахсларнинг видеоконференция усулидаги мажлисида иштирок этиш ҳуқуқи белгиланмоқда. Шунингдек, видеоконференция орқали суд мажлисини ўтказишнинг айрим процессуал хусусиятлари мустаҳкамланмоқда. Масалан, видеоконференция усулидаги суд мажлиси у ёки бу тараф жойлашган жойдаги хўжалик суди кўмагида ўтказилади.

Таклиф этилаётган қўшимчалар ишда иштирок этувчи шахсларнинг ҳамда хўжалик судлов ишларини юритувчи бошқа иштирокчиларнинг суд муҳокамасида бевосита қатнашиш ҳуқуқини чекламайди.

Халқроқ тажриба суд мажлислари видеоконференция усулида ўтказилиши самарали эканини исботлаган.

Хўжалик процессуал кодексига таклиф этилаётган қўшимчалар иш кўраётган суддан бошқа ҳудудда жойлашган тadbirkorлик субъектларига ўзлари жойлашган ҳудуддан чиқмай, вақти ва маблағини тежашда ҳолда, суд процессида иштирок этишига имкон беради. Видеоконференция имконияти яратилиши суд ҳимоясига бўлган ҳуқуқни амалга ошириш учун янада қўлай шароит вужудга келтиради.

ЎзХДП Сайловолди дастуридан:

Ўзбекистон Халқ демократик партияси фуқароларнинг сиёсий-ҳуқуқий маданияти, ижтимоий-иқтисодий фаоллигини ошириш ислохотлар самарадорлигини таъминлашда муҳим аҳамиятга эга, деб ҳисоблайди. Шунинг учун сиёсий ва фуқаролик маърифати тизимидаги ўқувларда сиёсий-ҳуқуқий саводхонлик ҳамда ижтимоий масъулиятни юксалтиришга алоҳида эътибор қаратади.

Сўз — ЎзХДП фракцияси аъзоларига!

Одамларнинг сиёсий билими ва фаоллиги

кучли фуқаролик жамиятини ривожлантиришда муҳим омил

...Маълум бўлишича, фракция аъзолари ўтказган учрашувларда сайловчилар томонидан 2900 та савол берилган. Шундан 280 га яқини қонунчиликка оид ва 350 дан ортиги бандлик Дастури ижроси билан боғлиқдир. Бу фуқароларнинг парламент томонидан қабул қилинаётган қонунлар ва ижтимоий аҳамиятга эга бўлган давлат дастурлари ҳамда уларнинг ижросига нисбатан қизиқиши тобора кучайиб бораётганини кўрсатади.

2

Бандлик

Коллеждан — қорхонага

Нукус хизмат кўрсатиш касб-хунар коллежидан тадбир бўлиб ўтди. Унда коллеж ўқитувчилари, ишлаб чиқариш амалиёти ус-талари, ўқувчилар ва ота-оналар иштирок этди.

2013-2014 ўқув йилида Қорақалпоғистон Республикасидаги академик лицей ва касб-хунар коллежларини 26 минг 545 нафар ўғил-қиз битирди. Уларни ўзлари танлаган касб бўйича ишга жойлаштириш ва қизиқишига қараб таълимнинг кейинги босқичига қамраб олиш бўйича муайян ишлар амалга оширилмоқда.

Анжуман доирасида коллеж ёшлари Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг Ёнгин хавфсизлиги олий техник мактаби ўқитувчилари ва шу мактабда тахсил олаётган қорақалпоғистонлик тингловчилар билан учрашди.

Мулоқот чоғида ушбу мактаб ҳаёти, яратилган шарт-шароит ҳақида ҳикоя қилувчи видеоларга намойиш этилди. Ўқитувчилар ва тингловчилар мактабда мавжуд замонавий шароит ва имкониятлар ҳақида ўқувчиларга батафсил маълумот берилди.

Ўз мухбиримиз

«Ўзбекистон овози» сайтыда ўқинг

Ижтимоий соҳа ривожидан муносиб иштирок этиш

партия дастурий мақсадлари амалга ошишининг муҳим шартидир



www.uzbekistonovozi.uz

Нуқтаи назар

“
Фуқаролик жамияти институтларини янада ривожлантириш, амалга оширилаётган ислохотларнинг очиқ-ошкоралиги ва самарадорлигини таъминлашда ижтимоий шерикчилик муносабатларини қарор топтириш муҳим аҳамиятга эга. Умуман олганда, ижтимоий-иқтисодий ривожланиш дастурларини амалга ошириш, турли масалаларни ҳал этиш юзасидан ижтимоий шерикчиликни кучайтиришни бузун ҳаётнинг ўзи талаб қиляпти.

Шу боис партияимиз тизимида ҳам ижтимоий ҳамкор ташкилотлар билан алоқаларни янада мустаҳкамлаш масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Аммо бу борадаги ишларни янада кучайтириш бўйича олдимизда қатор вазифалар турибди. Хусусан, бошланғич ва маҳаллий ташкилотлар фаоллигини ошириш, уларнинг ижтимоий шериклик асосида бошқа жамоат ташкилотлари билан мустаҳкам ҳамкорлигини йўлга қўйиш керак. Бу партия электоратининг фуқаролик позициясини мустаҳкамлаш, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурлари ижросини таҳлил этиб боришда муҳим аҳамиятга эга.

Партияимизнинг аҳолини маънавий қўллаб-қувватлаши янада тақомиллаштириш гоёси амалга ошириш ҳам кўп жиҳатдан шунга боғлиқ. Айтайлик, аҳолини бузун нима таш-

Рашид МУҲИДДИНОВ,
ЎзХДП Чилонзор туман кенгаши раиси:



вишга соляпти, ижтимоий ҳимоя билан боғлиқ масалаларда қандай муаммолар бор, соҳага оид қонуни ва қарорларнинг ижроси қай тартибда олиб бориляпти? Бу борада жойларда учраётган камчиликлар ижтимоий шерикларни ҳам ташвишга солади, албатта. Муаммо партия кенгаши томонидан фуқаролик жамияти институтлари иштирокида муҳокама этилса ҳамда маҳаллий Кенгашлардаги партия гуруҳлари ваколатларидан фойдаланиб, тегишли қарор қабул қилинишига эришилса, энг муҳими, қарор ижросини таъминлашда ижтимоий шериклар фаол иштирок этса, бундан барча манфаат кўради. Шунда ижтимоий ҳамкорлик ижобий натижаларни беради, электоратимиз манфаатларини ҳимоя қилишда янада янги имкониятлар очади.

Бунинг учун, энг аввало, ҳар бир йўналиш бўйича ижтимоий шерик ташкилотлар билан олиб бориладиган ишларнинг аниқ режаси ишлаб чиқилиши керак. Янги лойиҳалар, таклифлар ҳамкорликда шакллантирилса, уларнинг ижросини таъминлашда ҳар икки томон фаол иштирок этади. Натижада бундан электорат вакиллари кўпроқ манфаат кўради.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎзХДП фракцияси қонун ижодкорлиги, парламент назоратини кучайтириш, тарғибот-ташвиқот ишларида фаол иштирок этиш бўйича асосий вази-фаларни белгилаб олди.

Бу ҳақидаги материал билан газетамизнинг кейинги сонларидан бирида танишасиз.

ЎзХДП: устувор вазифалар

Масъул раҳбарлар ҳисоботини тинглаш

асосида электорат манфаатларига хизмат қиладиган қарорлар қабул этилишига эришиш зарур



Тадбирда ЎзХДП Марказий Кенгаши раиси Хотамжон КЕТМОНОВ иштирок этиб, партия гуруҳлари олдида турган устувор масалаларга тўхталди.

— Демократик ислохотларнинг ҳозирги босқичи мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришда ҳалқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги партия гуруҳларининг ролини кескин кучайтиришни талаб этмоқда, — деди у. — «Сиёсий партиялар тўғрисида»ги Қонунга ўзгартиш ва қўшимчалар киритишдан қўзланган бош мақсад ҳам худудларда олиб борилаётган кенг қўламли ишларда сиёсий партиялар иштирокини янада кенгайтиришга қаратилган.

Партия гуруҳи тегишли равишда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесининг раисига ва Вазирлар Кенгашига, вазирларга ҳамда бошқа давлат органлари раҳбарларига, ҳокимларга, ҳоким ўринбосарларига, ҳокимликлар бўлими ва бошқармаларининг раҳбарларига, тегишли халқ депутатлари Кенгаши ҳудудида жойлашган корхона, муассаса ва ташкилотларнинг раҳбарларига сўров билан муносабат қилиши белгиланган.

Шунингдек, партия гуруҳлари тегишли худудда жойлашган давлат органи раҳбарининг ўз фаолияти юзасидан ҳисоботи ёки ахборотини Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесининг, халқ депутатлари Кенгашларининг сессияларида эшитиш ҳақида тақлифлар киритади. Шу билан бирга, партия гуруҳларининг халқ депутатлари Кенгашига киритиладиган масала бўйича тақлиф, албатта, кўриб чиқилиши кўзда тутилган.

Бугун ҳаётнинг ўзи депутатлар зиммасига ғоятда юксак вазифаларни қўймоқда. Бу эса масъулиятни янада ошириш, фаолиятимизни янги талаблар асосида ташкил этиш кераклигини кўрсатмоқда. Шунингдек, барча масъулиятни ижро ҳоқи-

мига юклаб қўйиб, «биз фақат назорат қиламиз» деган эскича қараш билан мутлақо келишиб бўлмайди.

Аҳоли бандлигини таъминлаш, касб-хунар коллежлари битирувчиларини ишга жойлаштириш, ижтимоий ҳимояни кучайтириш масалаларида партия гуруҳлари ўзларининг муқобил тақлифларига эга бўлиши лозим. Айниқса, худудлар инфратузилмасидан келиб чиққан ҳолда, дастурларга тегишли ўзгартиришлар киритиш юзасидан доимий комиссия, сессиялар муҳокамасига масалалар олиб чиқиш борасида амалий натижаларга эришишимиз зарур.

Боёвут туман, Гулистон ва Ширин шаҳар партия ташкилотлари, депутатлари фаолиятини ўрганиш натижалари вилоятнинг баъзи худудларида ишлар кўнгилдагидек эмаслигини кўрсатиб турибди.

Муҳим масалалардан бири вилоят, туман ва шаҳар партия ташкилотларидаги Жамоатчилик қабулхоналари фаолиятини кучайтиришдан иборат. Электорат вакиллари, фуқаролардан тушаётган муносабатларни ўз вақтида самарали ҳал этиш йўллари кидириш, шунингдек, бу масалаларга ҳамкор ташкилотлар эътиборини ҳам қаратиш керак.

Фаолиятимизнинг асосий йўналишларидан яна бири тарғиб-ташвиқ ишларидир.

Шуни таъкидлаш лозимки, ижтимоий ҳимоя жамиятда ўзаро ҳурмат, меҳр-оқибат тамойиллари мустаҳкамлашишга хизмат қиладди. ЎзХДПнинг бошқа сиёсий партиялардан устун жиҳати ҳам ана шу ғояларни илгари сураётганидир. Бу партияимизни халқ орасига кириб боришига имкон беради. Шунинг учун ғоя ва мақсадларимизни кенг тарғиб қилиш, одамларга тушунириш бўйича янги ёндашувлар, ташаббуслар билан чиқишимиз керак. Шунда партияимизнинг обрўси ошадди, жамиятдаги таъсири янада кенгайдди.

Ривожланган демократияга эга бўлган давлатларнинг тажрибаси, шу билан бирга, Ўзбекистоннинг сиёсий ва конституцион ривожланишининг мантиқий йўли халқимиз, жамоатчилигимиз намояндалари бўлмиш вакиллик, депутатлик органларининг жамиятимиз ҳаётидаги роли ва аҳамиятини янада ошириш, содда қилиб айтганда, бу йўлда бошлаган ишларимизни изчил давом эттиришни талаб этмоқда».



ЎзХДП вилоят, туман ва шаҳар ташкилотларида амалга оширилаётган ишлар хусусида Сирдарё вилоят партия кенгаши раиси, халқ депутатлари вилоят Кенгашидаги партия гуруҳи раҳбари Алишер ТОШМАТОВ куйидаги фикрларни билдирди:

сия, сўнгра сессия муҳокамасига киритишни режалаштирганмиз.

Бугунги кунда халқ депутатлари туман ва шаҳар Кенгашларида 144 нафар депутатимиз фаолият кўрсатмоқда. Кун сайин уларга талабни ошириб, долзарб масалаларни ҳал этишдаги иштирокини кенгайтираёلمиз. Хусусан, шу кунларда Боёвут, Оқолтин ва Сирдарё туманларида хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантириш ҳисобига касб-хунар коллежлари битирувчиларини иш билан таъминлашга доир масалани ўрганаёلمиз. Ҳар бир масала бўйича шу соҳага масъул бўлган

идоралар раҳбарларининг ҳисоботи ва ахборотларини эшитиш тажрибасини омалаштираёلمиз.

Бир жиҳатга эътибор қаратайлик. Ҳар йили Қонунчилик палатасидаги фракцияимиз ташаббуси билан Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг ҳисоботи эшитилапти. Демак, маҳаллий Кенгашлардаги партия гуруҳларимиз ҳам вилоят бошқармалари, туман бўлимлари раҳбарларининг ҳисоботларини эшитиб боришимиз керак. Бу эса ўз ўрнида яратилаётган иш ўринлари барқарорлигига, мутасаддилар масъулияти ошишига хизмат қиладди.



Мамлакат ҳаётида парламент томонидан қабул қилинаётган қонунлар, тасдиқланаётган дастурларнинг туган ўрни, уларни ижро этишда Қонунчилик палатаси ҳамда маҳаллий Кенгашлардаги депутатлар ҳамкорлиги масалаларида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты, ЎзХДП фракцияси аъзоси Комила КАРОМОВА куйидагиларни гапирди:

— Олий Мажлис томонидан қабул қилинаётган ҳар бир қонунда бевосита маҳаллий Кенгашлардаги депутатлар иштироки, тақлифи муҳим аҳамиятга эга. Уларнинг электорат манфаатларини ҳимоя қилиш, худудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришда ўз позицияси бўлиши керак. Шу боис партия гуруҳлари ваколатларини кенгайтириш, ижро ҳоқимияти устидан депутатлик назорати самардорлигини оширишга жиддий эътибор қаратилмоқда. Президентимиз Вазирлар Маҳкамаси мажлиси-

даги маърузасида ижро ҳоқимияти олдида 2014 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича муҳим вазифалар қўйди.

Бундан барча даражадаги депутатлар ўзига тегишли хулоса чиқариши зарур. Шунингдек, мамлакатимиз раҳбари ҳокимияти фаолиятига касб-хунар коллежлари битирувчиларини ишга жойлаштириш масаласи қай даражада ҳал этилаётганига қараб баҳо беради деган, фикрни айтди. Демак, масала долзарблигидан келиб чиқиб, партия гуруҳлари ҳам ўз фаолиятини ана шу ме-

зонлар асосида ташкил этиши керак.

Аҳолини ўйлантираётган муаммоларни комплекс ҳал этишда Қонунчилик палатаси ҳамда партия гуруҳлари ўртасидаги ҳамкорлик нимада кўринади? Мисол учун партия гуруҳи бир масалани туман ёки вилоят миқёсида ўрганишимиз, энди уни республика даражасига олиб чиқиши, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги партияимиз фракциясига тақдим қилиши лозим. Биз эса масаланинг қонуний асосларини ўрганиб, барта-раф этишга ҳаракат қиламиз.

Йиғилишда партия ташкилотлари ва партия гуруҳлари фаолиятини кучайтиришга хизмат қиладиган чора-тадбирлар белгилаб олинди. Шундан сўнг халқ депутатлари вилоят Кенгашидаги партия гуруҳининг кенгайтирилган мажлиси бўлиб ўтди. Унда, шунингдек, маҳаллий ижро ҳоқимияти, мутасадди идоралар раҳбарлари иштирок этди ва жойлардаги ижтимоий-иқтисодий масалалар, уларни ҳал қилиш билан боғлиқ муҳим вазифалар бўйича фикр-мулоҳазаларини билдирди.



Сирдарё вилоят ҳоқими ўринбосари Баҳром БҲУРОНОВ

худудда уй-жой коммунал хўжалиги, ижтимоий нафақа ва пенсиялар ҳамда касб-хунар коллежлари битирувчилари бандлигини таъминлаш билан боғлиқ масалаларга тўхталди. Бу жараёнда фуқаролар ўртасида тушунириш ишлари олиб бориш, уларнинг сиёсий-ҳуқуқий маданиятини

юксалтириш муҳим эканини қайд этди. Айниқса, айрим туманларни иқтисодий ривожлантириш, чет эл инвестицияларини жалб этиш, оилавий тадбиркорликни кенгайтириш, бу йўналишда қонунчиликда белгиланган имтиёз ва энгилликлар ҳақида кенг тушунча бериш муҳимлиги, бунинг учун маҳаллий Кенгашлардаги партия гуруҳлари билан ҳамжиҳатликнинг аҳамиятини алоҳида таъкидлади.



Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бошқармаси бошлиғи Фахриддин СУҲУНОВ

2014 йилда вилоятда 40 мингдан зиёд иш ўрни яратилиши кўзда тутилгани, уларнинг асосий қисми касб-хунар коллежлари битирувчилари, жисмоний имконияти чекланган, ижтимоий ҳимояга муҳтож кишилар бандлигини таъминлашга хизмат қилишини айтди. Ана шу

иш ўринларини яратиш учун қўшимча 2300 дан ортиқ лойиҳа ишлаб чиқилиши зарурлиги, бунда партия ташкилотлари ва депутатларнинг тақлифлари муҳим эканини билдирди. Шунингдек у депутатлар ўз сайлов округларида бўлганда аҳоли муносабатларини таҳлил қилиб, мутасаддиларга етказса, бу иш ўринлари ташкил қилиш бўйича илгари сурилаётган лойиҳаларда ўз аксини топишини ҳам билдирди.



Савдо саноат палатаси вилоят бошқаруви раиси Аброр ТОШМАТОВ

касб-хунар коллежлари битирувчиларини кичик бизнес ва оилавий тадбиркорликка жалб қилиш борасида олиб борилаётган ишларга тўхталиб, ўз тажрибасида дуч келаётган бир масалани ўртага ташлади. Маълум бўлишича, оилавий тадбир-

корлик билан шуғулланмоқчи бўлган коллеж битирувчилари давлат рўйхатидан ўтиш, банкдан кредит олиш, умуман, ўз ишини йўлга қўйишида айрим муаммолар, сансоларликларга дуч келмоқда.

Бу борадаги камчиликларни барта-раф этиш масъул идоралар, жамоат ташкилотлари ҳамда депутатлар ҳамкорлиги кучайиши билан чамбарчас боғлиқ.

Йиғилиш якунида кўрилган барча масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Нурали ОРИПОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

Сўз — ЎзХДП фракцияси аъзоларига!

Одамларнинг сиёсий билими ва фаоллиги

кучли фуқаролик жамиятини ривожлантиришда муҳим омил



Назира МАТЌУБОВА,

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты, ЎзХДП фракцияси аъзоси.

Ҳар бир киши ижтимоий-иқтисодий ислохотларда фаол иштирок этиши учун, аввало, фуқаролик бурчи ва масъулиятини чуқур ҳис қилиши керак. Бу эса сиёсий-ҳуқуқий маданият юқори бўлишини талаб этади. Шу боис электорат вакиллариининг сиёсий билим ва дунёқарашини юксалтириш, қабул қилинаётган қонун ва қарорлардан хабардорлигини ошириш масаласига сиёсий партиялар, депутатлар катта эътибор қаратиб келмоқда.

Яқинда Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎзХДП фракцияси аъзоларининг ўтган йил давомида ўз сайлов округларида олиб борган ишлари таҳлил этилди. Маълум бўлишича, фракция аъзолари ўтказган учрашувларда сайловчилар томонидан 2900 та савол берилган. Шундан 280 га яқини қонунчиликка оид ва 350 дан ортиғи бандлик Дастури ижроси билан боғлиқ бўлган. Бу фуқароларнинг парламент томонидан қабул қилинаётган қонунлар ва ижтимоий аҳамиятга эга бўлган давлат дастурлари ҳамда уларнинг ижросига нисбатан қизиқиши тобора кучайиб бораётганини кўрсатади.

Таъкидлаш жоизки, сиёсий иштирок, сиёсий модернизация ва сиёсий ривожланиш, сиёсий маданият каби тушунчалар сиёсий партиялар фаолиятида асосий тушунчалар сифатида қўланади. Шу нуқтаи назардан олиб қарасак, ҳар бир фуқаро сиёсат субъекти сифатида сиёсий-ахборот қабул қилиш ва унинг фаолиятини бошлаб, қонунлар яратиш ва уларга амал қилишда, сайлов ва бошқа сиёсий жараёнларда, сиёсий партиялар ва ҳаракатлар фаолиятида иштирок этиш ҳуқуқларига эга.

Мутахассислар фикрига кўра, фуқаронинг жамият сиёсий ҳаётидаги иштироки унинг фуқаролик бурчи бўлиши билан бирга, ўзини бирор сиёсий ҳаракатга мансублигини чуқур англашида ҳам муҳим роль ўйнайди. Сиёсий-руҳий бегоналашув эса кўпинча сиёсий лоялликка олиб келади. Шундай экан, фуқароларнинг сиёсий фаолиятини оширишда партия ташкилотлари ва партия гуруҳлари фаолияти ўта муҳим аҳамиятга эга. Чунки, сиёсий партия жамиятнинг муайян ижтимоий қатлами манфаатларини ифодаловчи сиёсий ташкилотдир.

Фуқароларнинг сиёсий партиялар орқали ўз сиёсий қарашларини ифода қилиши, депутатлар орқали ижтимоий муҳим масалаларни ҳал этишда иштирок этиши ҳаёт тақозосига айланмоқда. Бу бевосита кишиларнинг сиёсий ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш билан боғлиқ бўлган ўта жиддий масаладир.

Шунинг учун Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎзХДП фракцияси ўз фаолиятида мамлакатимизда олиб борилаётган ислохотлар ва қабул қилинаётган қонунларнинг мазмун-моҳиятини аҳолининг кенг қатлами орасида тушуниришга алоҳида эътибор қарат-

моқда. Бу, бир томондан, мамлакатимизда кечаётган ислохотларнинг бориши, жумладан, қонун ижодкорлиги ҳақида уларга ахборот бериш, иккинчи томондан, шу жараёндаги сиёсий-ҳуқуқий маданиятнинг муносабати, тақлиф ва мулоҳазаларини ўрганиш имконини беради.

Фракцияимиз қонун ижодкорлиги жараёнида фуқароларнинг фикр ва тақлифлари инобатга олиниши қабул қилинаётган ҳужжатларга аҳолининг турли қатламлари манфаатлари ҳар томонлама ифода этилишига хизмат қиладди, деб ҳисоблайди. Шундан келиб чиқиб, фракцияимиз томонидан партия электорати манфаатлари билан бевосита боғлиқ бўлган қонунлар лойиҳаларини ЎзХДП Марказий Кенгаши ҳамда фаоллар иштирокида кенг муҳокама қилиш йўлга қўйилди.

Бугуннинг гапи

Хорижга биометрик паспорт билан чиқилади

Ўзбекистон фуқаролари учун бу тартиб 1 июлдан бошлаб кучга киради

Ўзбекистон Республикаси фуқаролик паспортининг халқаро меъёрларга тўлиқ жавоб бера оладиган шаклда бўлиши борасида қатор ишлар амалга оширилаётганидан хабарингиз бор. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 6 февралдаги «Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг чет элга чиқиши тартибини такомиллаштириш чоратadbирлари тўғрисида»ги қарори бу ишларнинг мантикий давоми ҳисобланади. Қарорнинг мазмун-моҳиятини аҳолига кенгроқ тушунтириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги хорижга чиқиш, келиш ва фуқароликни расмийлаштириш бошқармаси бошлигининг ўринбосари Улуғбек ТОШХЎЖАЕВга мурожаат қилдик.

— Замонавий халқаро стандартлар ва талаблари ҳисобга олган ҳолда республикамиз паспорт тизими янада такомиллаштирилди, — дейди у. — Халқаро ўтказиб юбориш чегара пунктларида Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг паспорт назоратидан ўтиш тартиб-қоидаси соддалаштирилди. Энг муҳими, уларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини самарали ҳимоя қилинишини таъминлаш мақсадида 2014 йил 1 июлдан



бошлаб Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг чет элга чиқиши фақат биометрик паспорт асосида амалга оширилади. Ҳаво ва темир йўл транспортда чет элга чиқувчи республикамиз фуқароларига авиа, темир йўл чипталарини расмийлаштириш, сотиш фақатгина биометрик паспортлар асосида амалга оширилиши белгиланди. Ушбу қарор Ўзбекистон Республикаси ИИВ Хорижга чиқиш, келиш ва фуқароликни расмийлаштириш бошқармаси ва унинг жойлардаги бўлинмалари зиммасига бир қатор ва-

зибаларни юклайди. Бу борада барча шарт-шароитлар яратилган. Республикаимизнинг шаҳар, туманларида биометрик маълумотларни йиғиш пунктлари ташкил этилган бўлиб, улар керакли қурилмалар билан жиҳозланган. Биометрик паспорт олиш истагини билдириб, мурожаат қилган фуқароларга биометрик паспортлар ўз вақтида расмийлаштириб берилишида муаммолар бўлмайди. Кўпчиликни мамлакатимиз ҳудудий йўналишлари бўйича авиа, темир йўл чипталарини расмийлаштириш ва сотиш ҳам биометрик паспортлар асоси-

«Ўзбекистон овози» мухбири Тоштемир ХУДОЙҚУЛОВ ёзиб олди.

Республикамизнинг шаҳар, туманларида биометрик маълумотларни йиғиш пунктлари ташкил этилган бўлиб, улар керакли қурилмалар билан жиҳозланган.

«Chevrolet Cobalt»нинг бозори чаққон

Иккита ўзбек автомобили модели энг машҳур автомобиллар рўйхатида киритилди.



Россияда ўтган 2013 йилда ишлаб чиқарила бошланган автомобиль моделларининг сотилиши бўйича натижалар маълум қилинди. Таҳлилларга кўра, ўтган йилда етакчи ўринга чиқиб олган ва энг кўп сотилган автомобиллардан бири «GM-Uzbekistan» қўшма корхонасида ишлаб чиқарилаётган «Chevrolet Cobalt» эканлиги маълум бўлди. Яъни, россиялик 18,5 минг нафар харидор ўтган йилда шу русумдаги автомобилни танлади. Маҳаллий Тольятти шаҳрида ишлаб чиқарилган

«Альмера» эса «Chevrolet Cobalt»дан бироз орқада қолган. 2013 йилда Россияда 15,7 мингта «Альмера» сотилган, холос. Россия автомобиль бозорига ўтган йили сотилган автоуловлар орасида учинчи ўринни яна бир ўзбек модели — «Gentra» («Chevrolet Lacetti») автомашинасининг замонавий нусхаси) эгаллаган. Бу автомобиль ўтган йилнинг куз фаслига келиб Россия автобозорига пайдо бўлган бўлса ҳам 8,4 мингта харидорга маъқул келганлиги маълум бўлди. «Туркистон-пресс»

Қарор ва ижро

Қишнинг совуғи аста-секин чекиниб, кўклам яқинлашаётган шу кунларда юртдошларимиз қишлоқлар, маҳалла ва гузарлар, кўчалар, йўллар атрофини ободонлаштиришга киришмоқда.

Ободлик — юрт кўрки

Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида амалга оширилаётган кенг қуламли ободонлаштириш, бунёдкорлик ишлари самарасида шаҳар ва қишлоқлар тобора обод ва гўзал бўлиб бормоқда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 10 январда қабул қилинган «Республика аҳоли пунктларини ободонлаштириш ишларини ташкил этишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори бу борадаги ишлар кўламини янада кенгайтиришда муҳим омил бўлаётди.

Мамалятимизнинг барча ҳудудда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ташаббуси билан тозалик кунларини ўтказиш аънаънага айланган. Хусусан, пойтахтимизда ҳар шанба «Тозалик кун» деб эълон қилинган. Ушбу тадбир давомида жойларда тўпланган майший чиқинди-

ларни ўз вақтида ташиб кетиш, ободонлаштириш ишларида уй-жай мулкдорлари ширкатлари ролини янада кучайтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Бу йилги қиш фаслининг совуқ келиши, қор кўп ёққани аҳолига сифатли коммунал хизмат кўрсатиш баробарида ҳудудларни ободонлаштириш билан боғлиқ тадбирларни узвий равишда ташкил этишни тақозо этди. Тегишли хизматларнинг ишчи-ҳодимлари йўллар, кўчаларни қордан тозалаш борасида тизимли равишда иш олиб борди. Тозалик, ободонлаштириш ишларини изчил амалга ошириш ва бу ишларда аҳолининг фаол иштирокисини таъминлаш мақсадида жорий йилнинг 15-16 февраль кунлари пойтахтимизда оммавий ҳашар ўтказилди.

«Маҳалла» хайрия жамоат фондидинг Тошкент шаҳар бўлими-

дан маълум қилишларича, ҳашар барча маҳаллада уюшқоқлик билан ташкил этилди. Кўп қаватли уйларнинг йўлакларини, маҳаллар ҳудуди ҳамда йўлларни қор ва яхмалаклардан тозалаш, уларни ташиб кетиш учун Ободонлаштириш бош бошқармаси, «Махсустрас» корхонасининг транспортлари жалб этилди. Ҳашар давомида олтимиздан ортик серкатнов кўча тартибга келтирилиб, ҳудуди ободонлаштирилди. Савдо, маиший хизмат кўрсатиш ва умумий овқатланиш шохобчаларининг теварак-атрофи, бозорда тозалик ишлари амалга оширилди.

«Маҳалла» хайрия жамоат фондидинг Ҳамза туман бўлими раисини ўринбосари Илҳом Эшмуродовнинг айтишича, ҳашарда туман ҳудудида ўн саккиз минг нафардан кўпроқ аҳоли иштирок этди. Ҳашарчиларнинг асосий қисми бозор, тиббиёт ва таълим муассасалари ҳудудида иш олиб борди. Кўп қаватли уйларнинг йўлакларини, кўчалар, бекатлар, аҳоли гажум жойлар чиқиндилардан тозаланди.

Пойтахтимизнинг Бектемир туманида ҳашарчилар кўчаларни ободонлаштиришга асосий эътибор қаратди.

Ҳашарлар халқимиз ўртасида ҳамжихатлик муҳитини мустаҳкамлаш билан бирга, ёшларда юрт ободлиги учун маъсуллик ҳиссини кучайтириш, экологик муҳит барқарорлигини таъминлашга хизмат қилади.

Баҳор ХИДИРОВА, ЎЗА мухбири.

Ижтимоий ҳимоя

«Навоийазот» сиҳатгоҳи

Бу санаторий-профилактория бугунги кунда корхона ишчи-хизматчилари ва вилоят аҳолисининг сеvimли дам олиш масканига айланган.

Замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган 150 ўринга эга бўлган шифо масканининг кўркям бог-роғли ҳовлиси, гўзал манзарали ва мевали дарахтлари, айниқса, алоҳида тароват бағишлаб турган йирик пальма дарахтлари киши дилига завқ бағишлайди. Бу ерда 10 га яқин олий тоифали шифокор, 30 нафар ўрта ва кичик тиббиёт ходими даволанувчиларга хизмат қилмоқда.

— Санаториймизга келувчилар сони йилдан-йилга ортиб бора-япти, — дейди бош шифокор Юсуф Ҳотамов. — 2013 йилда шифо масканимизда 2 мингга яқин киши соғломлаштирилди. Муас-

сасамизда нафас йўллари, аллергия касалликлар, юрак-кон-томир, ошқозон-ичак, таянч-ҳаракатлиниш аъзолари, буйрак, гинекологик, эндокрин касалликлари билан оғриган беморлар шифо топмоқда. — Бу ерда деярли ҳар йили дам оламан, — дейди «Навоийазот» ОАЖ ишчиси Салима Каримова. — Муолажалари жуда яхши. Шифокору ҳамширалар ўз ишини пухта бажаради, ширинсўз...

Жорий йилда дам олувчиларнинг янада мазмунли ҳордиқ чиларишлари учун шарт-шароитларни кенгайтириш, жумладан, спорт ва тренажёр заллари қурилиши кўзда тутилган.

Майсара НАЗАРОВА

Баркамол авлод орзуси

Пешку туманидаги бир қатор умумтаълим мактаблари Жаҳон банки иштирокида эълон қилинган грант танловига муваффақиятли қатнашиб, ғолиб бўлди.

Мактабларга грантлар

Халқ таълими вазирлигининг Жаҳон банки иштирокида «Мактаб таълимининг ривожлантириш» лойиҳаси доирасида ўтказилган танловда тумандаги тўққизта билим маскани тайёрлаган лойиҳалар ғолиб деб топилди ва умумий қиймати 45 минг доллар бўлган грантга сазовор бўлишди.

Ғолиб бўлган мактабларга оммавий тадбирларда фойдаланиш учун музика марказлари, овоз кучайтиргичлар ажратилди. Меҳнат дарси учун мўлжалланган асбоб-ускуналар тўплами, тикув машиналари, электр ускуналар, компьютер ва бошқа жиҳозлар ҳам ўқув жараёни самарадорлигини оширишда муҳим аҳамиятга эга.

Маълумот ўрнида шуни айтиш керакки, «Мактаб таълимининг ривожлантириш» лойиҳаси тумандаги 44 мактабнинг ўз ичига олган бўлиб, сал аввал бу ўқув даргоҳларининг кутубхоналарига жаҳон ҳамда ўзбек адабиётининг энг нодир асарлари билан таъминланган эди.

Ўз мухбиримиз.

Тадбир

Танлов ғолиби аниқланди

Мамлакатимизда тинчлик ва барқарорликни сақлаш, жамоат тартибини таъминлаш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда ички ишлар органлари ходимларининг хизмати катта.

Хабарингиз бор, соҳа ходимларининг жисмоний тайёргарлиги ва касбий билиминини оширишда ҳар йили аънаъанавий тарзда «Намунали милиция таянч пункти» танлови ўтказиб келинмоқда.

Ушбу танловнинг жорий йил Қорақалпоғистон Республикаси босқичида Нукус шаҳар ички ишлар бўлимига қарашли 2-сон милиция таянч пункти биринчи ўринни эгаллади. Таянч пункти Нукусдаги 56-сон маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида жойлашган бўлиб, оқойшталликни таъминлаш бўйича маҳалла билан узвий алоқада фаолият юритиб келмоқда.

Мнажатдин ҚУТЛИМУРАТОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.



Денгизда 14 ой



саргардон сузди ва...

Сальвадордаги балиқчилар шаҳарчасида туғилган 38 ёшли Хосе Сальвадор Алварента ҳаётида юз берган воқеа инсон матонати нималарга қодирлигини яна бир бор исботлади. Гап шундаки, Алварента 2012 йилнинг 17 ноябрида 25 ёшли ҳамроҳи Эзекил Кордоба билан моторли қайиқда балиқ овиға чиққан эди. Қирғоқдан 50 километр нарида денгиз тўлқини қайиқнинг моторини ишдан чиқарди. Сўнг шамол ва тўлқин қайиқни денгиз «ичкараси»га олиб кетди. Икки ҳамроҳ нима қиларини билмай тақдирга тан беришдан бошқа илоҳи қолмади. Ўта қийин шароитда яшаш учун кураш бошланди.

Дастлаб улар ўзлари тутган балиқларни хомлиғича еб, озикланиб юришди. Сўнг иккита кичик ақула тутишди ва гўшти айниунча у билан озиқланишди. Шафқатсизларча «савалаётган» қўён тигидан эса катта қардон қўи жонларини асради. Айниқса, ташналик уларнинг тинка-мадорини қурипти. Лекин Алварентанинг бир вақтлар партизанлар гуруҳида жанг қилгани ва чакалзорларда яшаб, тирик қолиш бўйича махсус тайёргарликдан ўтгани мажур қийин шароитда қўл келди.

Денгиз тошбақаларини тутиб, унинг қонини ичишга ва шу йўл билан ташналикни қондиришга мажбур бўлдилар. Аммо бу тадбир ҳар сафар кўнгилли беҳузур қилар ва шу боис уни ичиш қийин эди. Алварентанинг ҳамроҳи Эзекил денгиз асирлигида 4 ой яшадил, холос. Ҳолсизлик уни ҳаётдан олиб кетди. Жони узил-

ган ҳамроҳини Алварента океанга оқизишга мажбур бўлди. Сўнг бир ўзи яшаш учун курашга киришди. Денгиз тўлқинлари ва шамол унинг қайиғини 8 минг километр узоққа олиб кетди. 14 ой дағанда океан ва денгиз суварли измида юрган қайиғи Маршалл ороллари қирғоғига яқинлашди. Шунда ҳолдан тойдан Алварента қайиқдан сакраб, жон ҳолатда сузиб қирғоққа чиқиб олди ва «бандилик»дан озод бўлди.

Маршалл ороллариининг ички ишлар вазири Жи Бинг дастлаб бу «Робинзон Крузо»нинг гаиларига ишонмади. Унинг юртилиги қариндошлари билан боғланатганина у айтиб берган воқеаларга ишона бошлади.

Унинг тирик қолганига балиқчилар ҳам ҳайрон қолмади. Негаки, тажрибали балиқчиларнинг айтишларича, унинг қайиғи сузиб ўтган ҳудудларда доимо экстремал шароит ҳукмрон. Шиддатли океан шамол қайиқни қутулмаган тақдирга олиб кетиши аниқ ва унга қаринлик кўрсатишининг илоҳи йўқ.

Алварентани ҳамроҳлари аллақачон ўлганлар қаторига киритишганди.


Шифокорларнинг изоҳ беришича, денгиз тошбақасининг қони Алварентанинг ҳаётини асраб қолган. Чунки қон таркиби кинига озуқа бўладиган протеин ва темир моддаларига бой. Денгиз атрофларида яшайдиган маҳаллий халқлар аста ва бошқа респиратор касалликларини айнан денгиз тошбақаси қони ёрдамида даволани ҳам бор тап.

Денгизда яшаб, тирик қолиш бўйича яратилган асарларда қайд этилишича, денгиз тошбақасининг қони киши саломатлиги учун ҳафиз бўлиб, денгизда йўлани буюқотган балиқчиларнинг аскароти унинг ёрдамида тирик қолган.

Маълумки, денгиз тошбақалари жуда секин сузди ва бу уларни қўлда тутишга мураккаблик туғдирайди.

Ҳозир Алварента шифокорлар назоратида.

Антарктида тилсимоти



ҳайратомуз ва...

Барчамиз яхши биламизки, Антарктида — музликлардан иборат қитъа. Унинг совуғига ҳатто пингвинлар ҳам дош беролмайди. Бироқ шундай совуқ Антарктидада ҳам чинакам курортга дуч келиш мумкинлиги ҳайратомуз. Аммо бу бор тап.

Виктория ерида жойлашган Ванда кўлини бунга мисол келтирса бўлади. У совуқ саҳ-

рода барқ урган ям-яшил водийдай кўзга ташланади ва кишида беихтиёр сув остида иссиқ геизерлар бор бўлса керак, деган умид пайдо қилади.

Бироқ Ванда ҳаётбахш жой эмас, бу ерда на йўқот, на сувости жониворлари ва на ўсимликлар бор. Қўлда фақат энг олдий микроорганизмлар яшайди.

Сувининг музламаслиги ва кўм-кўк ҳолда мавжланиб туринида сабаб қўл суви денгизикдан ўн қарра шўрлиғидир. Ҳатто машҳур Улик денгиз ҳам унинг олдида иш эшолмайди.

Кўлнинг яна бир хусусияти шундаки, сузининг билмайди-ганлар ҳам бу ерда бемалол сузини ўрганиши мумкин. Негаки, сувининг ўта шўрлиги одамни чўкиб кетишдан асрайди.

Эълон

«TOSHKENT UNIVERSAL AUCTIONS SAVDO» МЧЖ «Ўзбекистон овози» газетасининг 2014 йил 14 январь, 6-сонида берилган эълондаги очик аукцион савдоларига қўйилган Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банкнинг «SURNON SUN MILK» МЧЖ Устав фондидидаги 100 фоз улushi бошлангич нарҳида техник хатога йўл қўйилганлиги боис «351 854 200 сўм ҳамда 176 073,33 АҚШ доллари» рақамлари «351 163 600 сўм ҳамда 167 772,01 АҚШ доллари» деб тузатиб ўқилишини маълум қилади. Гўвоҳнома №005357.



Болалар спорти

фарзандларимиз соғлом бўлиб улғайишининг бош омилidir

Бугунги кунда Сурхондарё вилоятида 130 спорт иншоотлари фаолият кўрсатмоқда.

Ўтган йиллар давомида мазкур спорт инфратузилмасини яратиш учун республика жамғармаси ҳисобидан 53 миллиард сўмдан ортиқ маблағ йўналтирилди. Шунингдек, ўшбу масканлар 3 миллиард 200 миллион сўмга яқин спорт ускуналари билан жиҳозланди.

— 2013 йилда вилоятимизда 11-та замонавий спорт иншооти барпо этилди, — дейди **Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш**

риш жамғармаси Сурхондарё вилоят филиали ихрочи директори **Фахриддин Абдурашулов**. — Уларнинг учтаси мусиқа ва санъат мактаби, саккизтаси турли спорт объектларидир. Бунёдкорликларга жамғарма ҳисобидан 12 миллиард 700 миллион сўм ажратилган бўлса, 1 миллиард 380 миллион сўм вилоят филиали томонидан йўналтирилган. Соғлом бола йилида эса вилоятимизда умумий қиймати 14 миллиард 440 миллион сўмни ташкил этадиган 3та мусиқа ва санъат мактаби, 8та турли спорт мажмуалари қурилиши кўзда тутилган. Шуниси эътиборга сазоворки, бундай масканларнинг асосий қисми қишлоқ жойларида бунёд этилмоқда.

Бугунги кунда вилоятда 6-15 ёшдаги 363 минг 584 нафар ўқувчи спортнинг ўттиздан зиёд

тури билан мунтазам шуғулланыпти.

Вилоят марказидан қарийб 200 километр олисда жойлашган Узун туманида айни пайтда 22та мактабгача таълим, 65та умумтаълим, 7 та турли йўналишдаги касб-ҳунар коллежи, спорт, мусиқа ва санъат мактаблари фаолият олиб борапти. Уларда ўттиз уч минг нафарга яқин ўғил-қиз таълим-тарбия олиш билан бирга ўзлари севган спорт тури билан шуғулланишмоқда.

Яқинда мазкур тумандаги маънавий хизмат кўрсатиш касб-ҳунар коллежида спортнинг турли йўналишлари бўйича голиб ва совриндор бўлган ўғил-қизларга туман ҳокимлиги, прокуратура ва ҳамкор ташкилотларнинг фахрий ёрлик ҳамда қимматбаҳо совғалари топширилди.

Абдумалик ҲАЙДАРОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.



ЎЗА олган сурат.

Спорт

Хитойнинг Ханжоу шаҳрида энгил атлетика бўйича ёпиқ иншоотларда ўтказилаётган Осиё чемпионати қизгин паллага кирди.

Энгил атлетикачиларимиз

Осиё чемпионатида муносиб иштирок этишмоқда

Мусобақанинг ядро улоқтириш баҳсларида ҳамюртимиз София Бурхонова энг юқори натижа кўрсатиб, олтин медалга сазовор бўлди.

Узуликка сакраш бўйича спортчимиз Дарья Резниченко фахри иккинчи ўринни эгаллади — 6 метр 30 см. Яна бир ҳамюртимиз Анастасия Журавлёва 5-ўринни эгаллади (6 м 15 см).

Баҳслар давом этмоқда.



Эркин ХОЛБОБО

Тадбир

ХОТИН-ҚИЗЛАР ҚЎМИТАСИДА

2013 йил якунларига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди

Унда таъкидланишича, ўтган йили олиб борилган саъй-ҳаракатлар натижасида хотин-қизлар учун 460 мингдан зиёд янги иш ўринлари яратилди. «Микрокредитбанк» ОАТБ томонидан оилавий тадбиркорликни ривожлантириш мақсадида кредитлар ажратилди.

БМТнинг аёллар ташкилоти (UNWOMEN) билан ҳамкорликда «Ўзбекистон аёлларининг иқтисодий ҳуқуқларини ҳаётга кенг татиқ этиш» лойиҳаси асосида бир қатор самарали ишлар амалга оширилди. Шунингдек, Германия Жамғарма кассалари фонди билан ҳамкорликда халқаро конференция ўтказилди.

— Аёлларимизнинг жамиятдаги фаол иштироки, иқтисоди ва салохиятини кўриб фахрланасан киши, — дейди **Фаргона вилоят ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси Мавлуда Ходжаева**. — Юртимизнинг ҳар бир минтақасида оилавий тадбиркорлик ва бошқа йўналишларда ишлаётган аёлларимиз бор. Ўтган йили вилоятимизда оилавий тадбиркорликни бошлаётган аёлларга кредит олиш ва бизнес режа тузиш каби ҳуқуқий маслаҳатлар ва 300 га яқин семинар ташкил этилиб, солиқ тизимидаги имтиёزلар тўғрисида маълумотлар берилди. Натижада, 2013 йил давомида 3000 нафардан зиёд аёлга 32,5 млрд. сўмдан кўпроқ кредит маблағлари ажратилди, шунингдек, вилоят бўйича жами 41 мингдан ортиқ янги иш ўрни яратилди.

Бундан ташқари, вилоятимизда 800 мингдан зиёд оила бўлса, улардан 630 мингга яқини билан танишиб, оилада ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштиришга қаратилган чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Шунингдек, вилоятимизда Болалар спортига ҳам алоҳида эътибор бериб келинмоқда. Бадий гимнастика бўйича республика мусобақаларида голиб бўлган қизларимиз, 2013 йилда Францияда ўтказилган халқаро мусобақада фахри ўринларни қўлга киритди.

Альбина ЖУМАНОВА, «Ўзбекистон овози» мухбири.

Реклама ўрнида

Энергия таъминоти ва истеъмолчи манфаати



Электр энергияси катта маблағ ва машаққат эвазига ишлаб чиқарилиб, аҳолига етказиб берилади. Шу боис тежамкорлик ва бу борадаги тўлов интизомига риоя қилишга ҳар бир фуқаро ҳаракат қилиши лозим. «Тошкент электр тармоқлари» ОАЖ хонадонингиздаги чўланма лампалар ўрнига замонавий, энергия тежовчи лампалар ўрнатишни тавсия қилади. Бунинг натижасида электр энергиясини 5,5-6 баробаргача тежаш имконига эга бўласиз. Шунингдек, энерготизимдаги зўриқиш камаяди ва фойдаланилган электр энергия сарф-ҳаражати қисқаради.



Мустақиллик йилларида энергетика соҳасини янада ривожлантириш, аҳолининг электр энергиясига бўлган талабини тўла қондириш, хизмат кўрсатиш сифатини ошириш бўйича кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. 2013 йилнинг 1 мартда Президентимиз томонидан «Муқобил энергия манбаларини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони бу соҳага берилаётган эътиборнинг яна бир ёрқин мисоли бўлди.

Биргина «Ўзбекэнерго» давлат акциядорлик компаниясига қарашли «Тошкент электр тармоқлари» очик акциядорлик жамиятида 2013 йилда амалга оширилган ва 2014 йилда режалаштирилган ишлар кўламига эътибор қаратайлик.

Тошкент вилоятининг Қибрай туманида 217 та таянч устуни монтаж қилинди. Ҳаво тармоқларидан 0,4 кВ қучланишга эга 8,05 км. махсус ўрамли симлар тортилди. 1 та КТПс ўрнатилди. Пискент туманида ҳам 220 та таянч устуни қўйилди. ХЛ-0,4 кВ-14,55 км махсус симлар тортилиб, 2 та КТПс таъминланди. Охангарон туманида эса 197 та таянч устуни ҳамда ХЛ 0,4 кВ-7,9 км махсус симлар тортилиб, 2 та КТПс қўйилди. Шунингдек, Ангрэн шаҳрида ҳам бу каби ишлар амалга оширилди. Махсус ўрамли симлар ёрда-

мида электр энергияси юз фоиз сақланиб, аҳолига етказиб беришмоқда. Жами ҳаво йўли бўйича 0,4 кВ-35,1 км СИП монтаж қилинди. 737 та таянч устуни ва КТПс-29 та жамланмаси ўрнатилди.

Илгари алюмин симларда 10-12 фоиз электр қуввати ҳавода йўқотилар эди. Эндиликда махсус ўрамли симлар ёрдамида бундай йўқотиларга чек қўйилди.

Бундан ташқари, вилоятдаги яроқсиз ҳолга келиб қолган КТПслар қайта реконструкция қилинди. Ушбу электр тармоқ ускуналарини бениҳсон ишлашини таъминлаш бўйича жорий ва тўлиқ таъмирлаш ишлари тасдиқланган режа асосида амалга оширилмоқда. Истеъмолчиларнинг электр энергиясига бўлган талабларини тўлиқ қондириш мақсадида Зангиота туманида 11 та, Бўстонлик туманида 5 та, жами 16 та трансформатор пунктларининг қувватлари оширилди. Бундай мисолларни Қибрай, Олмалик, Ангрэн ҳамда Бекобод шаҳарларида ҳам кузатиш мумкин. Яқин кунда қўшимча трансформатор пунктларини ҳозирги замон талабига жавоб берадиган СИП ҳаво тармоқларини қуриш билан аҳолининг электр энергияга бўлган эҳтиёжи тўла қондирилади ва катта юклама остида ишлаётган ТП ва ХЛларнинг ишлаши яхшиланади, аҳоли сифатли электр энергияси билан таъминланади.

Айни пайтда «Ўзбекэнерго» ДАК томонидан электр энергияси учун тўловларни ундириш

Энергия ҳақини ўз вақтида тўлаш, истеъмол маданияти хусусида аҳоли ўртасида кўпроқ тарғибот-ташвиқот ишларини йўлга қўйиш мақсадида алоҳида чора-тадбирлар ишлаб чиқилган.

бўйича «Электр ҳисоб» дастури жорий этилди. Ушбу дастур хизмат кўрсатувчи банklar ва почта бўлиmlари орқали электр энергияси учун тўловларни «Онлайн» режимида «Электр ҳисоб» дастурига киритилишини таъминлайди. Бу борада «Ипак йўли» акциядорлик тижорат банки ҳамда «Ўзбекистон почтаси» ОАЖ Тошкент вилояти бўлими билан шартнома имзоланди. Шунингдек, истеъмолчилар томонидан электр энергияси учун тўловлар PAYNET тизими орқали амалга оширилмоқда. Назоратчилар томонидан ҳисоблагич кўрсаткичларини уяли алоқа орқали СМС тарзида ахборотлари «Электр ҳисоб» дастурига киритиш имкониятини берди. Бунда назоратчи томо-



нидан истеъмолчидан олинган ҳисоблагич кўрсаткичлари СМС тарзида дастурга «Онлайн» режимида юборилади ва истеъмолчи уяли телефон рақамига СМС тарзида қарздорлиги ҳамда тўлаганлиги тўғрисидаги маълумот келиб тушади.

Электр энергиясига бўлган тўловларни янада такомиллаштириш ва ҳар бир истеъмолчининг электр энергия истеъмолини жойида назорат қилиш учун замонавий АСКУЭ тизимига ўтиш режалаштирилган. Юридик ташкилотларга бугунги кунда 7989 та ҳисоблагич ва жисмоний шахсларга 189372 та замонавий АСКУЭ тизимига уяли имконини берувчи ҳисоблагичлар ўрнатилди. Бу ўз навбатида, истеъмолчи ва электр энергиясини етказиб берувчи ташкилотлар ўртасида ҳисоб-китобларни амалга оширишда қулайлик яратади.

Бундан ташқари, фойдаланилган электр энергияси учун тўловларни такомиллаштириш мақсадида Тошкент вилоятида жами 7035 та, шундан Ангрэн шаҳрига 3865 та, Зангиота туманига 1300 та, Олмалик шаҳрига 2170 та олдидан ҳисоб-китоб усулида ишловчи электрон ҳисоблагич ўрнатилди.

Тўловлар тўлиқлигини таъминлаш мақсадида Зангиота (Қашқарлик ва Ҳожитома маҳаллалари) ва Қибрай (Тузел маҳалласининг Иқбол ва Абай кўчалари) туманида таъриба тарихида иккитадан трансформатор шохобчаларига электрон ҳисоблагичлар ўрнатилди ва электр энергиясидан фойдаланувчи тўртта маҳалла аҳолисининг электр энергиясидан фойдаланиши ҳамда уларнинг тўловлари мунтазам назоратга олинди. Олмалик шаҳрида 45 та кўпқаватли уйнинг электр ҳисоблагичлари йўлакка чиқарилди. Ҳозирда бу жараёни Ангрэн ва Чирчиқ шаҳрида ҳам амалга ошириш ишлари бошланди.

Афсуски, ҳануз истеъмолчилар томонидан ёқилган энергия ҳақини ўз вақтида тўламаслик ҳолатлари учраб турибди. Шу боис тўлов, истеъмол маданияти хусусида аҳоли ўртасида кўпроқ тарғибот-ташвиқот ишларини йўлга қўйиш мақсадида алоҳида чора-тадбирлар ишлаб чиқилган.

Бардамбек САЪДУЛЛАЕВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

MUASSIS:
O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

Bosh muharrir: **Safar OSTONOV**

TAHIR HAY'ATI:

Abdulla ORIPOV	Ulug'bek	Saidahmad RAHIMOV
Hotamjon KETMONOV	MUSTAFOYEV	Farruh HAMROYEV
Ulug'bek VAFOYEV	Muslhiiddin	(Bosh muharrir - birinchi o'rinbosari)
Rustam KAMILOV	MUHIDDINOV	Tat'yana KISTANOVA
Sharbat ABDULLAYEVA	Ochiiboy RAMATOV	(Bosh muharrir o'rinbosari)

BO'LIMLAR:
Parlament faoliyati — 233-54-55; Partiya hayoti — 233-10-13; Madaniyat va ma'naviyat — 233-69-45; Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot — 233-44-55; Jamoatchilik bilan aloqalar va huquqiy targ'ibot — 233-12-56; Sport va vakolatparvarlik — 233-44-55; Reklama va e'lonlar — 233-38-55, 233-47-80; Kofitbiyat — 233-72-83.

MANZILIMIZ:
100000, Toshkent, Matbuotchilar ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxonaga manzilli: Buyuk Turok ko'chasi, 41-uy.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.
«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

e-mail: info@uzbekistonovozi.uz

Г — 260
22082
naxsada bosildi.

Nashr ko'rsatkichi — 220
t — Tijorat materiallari
O'ZA yakuni — 21.45
Toshirilgan vaqti — 00.25

Sotuvda erkin narxda

Navbatchi:
Erkin XOLBOBOYEV

Sahifalovchi-dasturchilar:
Sobirjon TUNG'ATOV,
Zafar BAKIROV

ISSN 2010-7633

1 2 3 4 5